

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



«КЕЛИШИЛГАН»

Самарқанд давлат университети

Тарих факультети декани:

Д.М.Джуракулова

« » июль 2020



«ТАСДИҚЛАНДИ»

Самарқанд давлат университети

Р.Н.Хасанов

« » июль 2020

5120300-Тарих (мамлакатлар ва минтакалар бўйича) таълим йуналиши
негизидаги:

5A120302- Тарих (йуналишлар ва фаолият тури бўйича)

Магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун махсус
(ихтисоблик) фанлардан

ДАСТУР

САМАРҚАНД-2020

КИРИШ

5120300 – Тарих (мамлакатлари ва йўналишлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши-фан ва гуманитар йўналиш бўлиб, у Тарих, хусусан Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Тарихшунослик ва манбашунослик соҳасига тегишли фанларни ўрганиш, амалий фаолиятларда мутахкамлаш ва ундан оқилона фойдаланишга, соҳа истиқболлини белгилашга, касбий кўникма, фанга оид тадқиқотлар усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси - талабалар билимларини чуқурлаштириш ва Ўрта Осиё худудида илк ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги, унинг шаклланиш тарихи, сулолалар, савдо ва хунармандчилик, ташқи сиёсат, Россия империяси ва совет мустамлака сиёсати даврида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, сиёсий тарихи, шуни-нгдек Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши, иқтисодий ислохатлар ва унинг ижтимоий йўналишлари маънавий янгиланишларни билмоқ Ватан тарихини чуқур билишга, умуминсоний қадриятларни англаб етишга кўмаклашади. Ўзбек давлатчилиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланиш, ҳамда мустақил Ўзбекистон тараққиёти бўйича чуқур билимларга эга бўлиш талабаларнинг дунёқа-рашини кенгайтириш йўлидаги энг самарали восита сифатида аҳамият-лидир. Қолаверса, мамлакатимиз ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг ривожланиш даражасини, халқларнинг менталитети, урф-одатларини, маданиятини тушуниб етиш учун ҳам ушбу дастурнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлаштириш каби долзарб масалани ҳорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини тарихий нуқтаи назардан ўрганмасдан ҳал этиб бўлмайди. Жаҳон тарихини ва жумладан Қадимги шарқ тарихи, (Қадимги Миср, Мессопотамия, Кичик Осиё, Ҳиндистон, Хитой), Қадимги Юнон-Рим тарихи, Ўрта асрлар, Янги тарих (Осиё ва Африка, Европа ва Америка мамлакатлари янги даврда), Энг янги тарих ривожланишини мукаммал даражада билмоқ инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд қилади, умуминсоний қадриятларни англаб етишга кўмаклашади ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топишга имконият яратади. Дунё мамлакатларининг тарихий тараққиёти бўйича чуқур билимларга эга бўлиш талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш йўлидаги энг самарали восита сифатида аҳамиятлидир. Қолаверса, мамлакатимиз ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг ривожланиш даражасини, халқларнинг менталитети, урф-одатларини, маданиятини тушуниб етиш учун ҳам ушбу дастурнинг аҳамияти катта.

Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар усуллари (Осиё ва Европа мамлакатлари бўйича) фани бўйича магистратурага кириш синови учун мўлжалланган бўлиб, унда қўйилган масалалар таълимнинг олдинги босқичларида мазкур мутахассисликка доир ўқитилган фанларнинг ўқув дастурларига асосланган.

Дастурда, тарихий манбашуносликнинг мақсад вазифалари, тадқиқот усуллари, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихини ёртиб берувчи қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тарихий манбаларнинг ўрганилиши, Тарих фанининг вужудга келиши ва

Ўтмишни ўрганишдаги дастлабки малакалар ҳамда тарихни ўрганишда асос бўлувчи манбалар ҳақида тушунча беради. Шу қаторда, Тарихий манбалар ва тарихий ҳужжатлар билан ишлаш, тарихнинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатлари-ижтимоий ва гуманитар фан даврий жараёни ҳақида, араб, форс, тилидаги кўлёмалар, манбалар ва уларнинг тарих фанининг ривожланишидаги ўрни масаларини ўз ичга олган. Шунингдек, тарихшуносликнинг долзарб муаммолари: назарий-методологик масалаларни ишлаб чиқиш, тарихшунослик фани ривожланиши муаммолари, XX аср бошларида тарих фани ривожининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маданий шарт-шароитлари, махсус ва ёрдамчи тарих фанларининг ривожланиши ҳамда Ўзбекистонда тарихшунослик тадқиқотлари ривожланишининг асосий тамойиллари каби масалалар қамраб олинган.

5120300 – Тарих (мамлакатлари ва йўналишлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши негизидаги 5A120301 - Ўзбекистон тарихи, 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича), 5A120303 - Давлат ва Фуқаролик жамияти институтлари бошқаруви, 5A120304 - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича) магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан ихтисослик фанлари бўйича:

Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Манбашунослик, Тарихшунослик фанларидан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

Ўзбекистон тарихи

Ўзбекистон тарихининг фан сифатидаги ўрни. Унинг предмети ва ўрганиш объекти. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг методологик тамойиллари, унинг жаҳон тарихи билан боғлиқлиги. Тарихни ўрганишда инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига асосланиш тамойиллари. И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихининг ечилиши зарур бўлган муаммоларининг кўтарилиши. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш, уни ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни ва аҳамияти.

Ўзбекистон умумжаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири. Ўзбекистон тарихининг ҳар томонлама етук, миллий истиқлол ғояси билан кўролланган инсонларни тарбиялашдаги аҳамияти. Инсониятнинг дастлабки аждодлари, уларнинг маконлари. Одамзод пайдо бўлиши масаласининг фанда ўрганилиши. Энг қадимги одамларнинг турмуш тарзи, машғулоти.

Ибтидоий жамиятнинг даврлари. Палеолит даври ва унинг ўзлаштирилиши. Уруғчилик жамоаси - она уруғи жамоасининг шаклланиши ва унинг тараққиёти. Мезолит даври маконлари. Ўқ ёйнинг ихтиро қилиниши. Неолит даври ёдгорликлари. Меҳнатнинг дастлабки йирик тақсимоли, чорвачилик ва деҳқончиликнинг шаклланиши. Неолит даврида ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши.

Энеолит даври. Саразм ва Заманбобо маданияти. Бронза даврининг хусусиятлари ва асосий ёдгорликлари. Бронза даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик ва ихтисослашган ҳунармандчилик. Патриархал ва ота уруғи муносабатларининг юзага келиши. Ибтидоий тасвирий санъатнинг пайдо

бўлиши. Давлатчилик тушунчаси. Жаҳонда илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари. «Авесто» китобида қадимий давлатчилик тарихимизга оид маълумотлар. Ўлкамиз ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши. Қадимги Бактрия, унинг ўзбек давлатчилигининг шакллантиришдаги ўрни.

Қадимги Бактрия давлатининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти. Қадимги Хоразм ҳақидаги ёзма ва археологик маълумотлар. Қадимги Сўғдиёнанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Аҳамонийлар давлатининг пайдо бўлиши ва уларнинг Ўрта Осиё давлатларини босиб олиши. Маҳаллий аҳолининг Аҳамонийлар босқинчилигига қарши озодлик учун кураши. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиёдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт. Юнон-Македон қўшинларининг Искандар Зулқарнайн бошчилигида Ўрта Осиёга юриши. Спитамен бошлиқ халқ қасоскорларининг жасоратлари.

«Авесто»-зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Наврўз байрамининг шаклланиши.

Искандар империясининг парчаланиши. Салавкийлар сулоласи. Бактрия давлатининг юнонлар бошқаруви давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти. Эллинизм маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг Марказий Осиёга ёйилиши. Фарғона водийсида илк давлат тузилмасининг шаклланиши. Дован давлати. Кушонлар сулоласининг сиёсий ҳокимиятни эгаллаши. Қанғ давлатининг пайдо бўлиши ва унинг ўзбек давлатчилиги тарихида тўтган ўрни. Кушонлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти. Кушонлар даврида маданий ҳаёт. Уруғ, қабила, элат, халқ ва миллат тушунчалари. Парфия давлатининг ижтимоий иқтисодий ҳаёти, Турон замида туркий қавмларнинг азалий этнос эканлиги. Ҳозирги ўзбек халқининг этник асосини ташкил қилган қабила, эллатлар. Чет эллик босқинчилар мамлакатимиз туб жой аҳолиси ирсиятини ўзгартира олмаганлиги. Илк ўрта асрлардаги этник - маданий жараёнлар. Туркий элатлар ва эроний тилли аҳоли ўртасидаги этник ва маданий муносабатлар. Ўзбекистон ҳудудларида туркий тил ва этник устунлик вазиятининг юзага кела бошлаши.

IX-XII асрларда қарлуқлар, ўғузлар, қипчоқлар, чиғиллар ва бошқа туркий қавмларнинг ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўрни. Эски ўзбек тилига асос бўлган қарлуқ-чиғил лаҳжасининг ривожланиши ва ёзма адабий тил даражасига кўтарилиши. Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк», Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» асарларининг аҳамияти. Хоразм Маъмун Академияси ва унинг фаолияти.

XV аср охири - XVI асрларда Ўрта Осиёга Дашти Қипчоқ элатларининг кириб келиши, «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши. Совет истибдоди даврида Ўрта Осиёда «миллий давлат» чегаралашининг ўтказилиши ва унинг оқибатлари. Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик давридаги этник ҳолати ва бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар.

Энг қадимги даврларда пайдо бўлган миллатлараро йўллар. Буюк ипак йўлининг шаклланиш жараёни. Ипак йўлининг ривожланишида Самарқанднинг тутган ўрни. Буюк ипак йўли тармоқлари. Турк хоқонлиги даврида «Буюк ипак йўли» нинг аҳамияти. Буюк ипак йўли устидан назорат ўрнатиш учун ҳукмдорлар ўртасидаги курашлар. Ипак йўли мамлакатлараро сиёсий, дипломатик, маданий, диний алоқаларни таъминловчи омил сифатида. Амир Темур даврида Буюк ипак

йўлининг қайта тикланиши ва ривожланиши. Ипак йўли Шарк билан Ғарбни боғловчи ҳалқа сифатида. Жаҳондаги буюк географик кашфиётлар натижасида Буюк ипак йўли мавқеининг пасайиши. ЮНЕСКО раҳнамолигида «Буюк ипак йўли» дастўрининг тузилиши ва уни амалга оширишда Ўзбекистоннинг иштироки. «Европа - Кавказ - Осиё» транспорт йўлаги - ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи. Эфталийлар давлатининг шаклланиши, унинг худудий ўрни. Эфталийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт. Маздак харакатининг пайдо бўлиши ва унинг асосий ғоялари. Тўрк ҳоқонлиги ҳукронлиги даврида Ўрта Осиё. Тўрк ҳоқонлиги даврида мамлакатни идора этиш усули. Мамлакатдаги иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Араб халифалигининг пайдо бўлиши ва унинг босқинчилик юришлари. Юртимизнинг араблар томонидан истило қилиниши. Ислом динининг юртимизга ёйилиши. Араб ҳукмдорларининг Марказий Осиёда юритган сиёсати. Муқанна кузголони ва унинг тарихий аҳамияти. IX аср бошларида Мовароуннахрнинг сиёсий ахволи. Тохирийлар давлати. Сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва бошқарув тизими. Сомонийлар давлатида ер-сув муносабатлари ва солиқ сиёсати. Исмоил Сомоний ислохотлари. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва уларнинг сомонийларга қаршли вилоятларни босиб олиши. Қорахонийлар давлатидаги бошқарув усули на ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Ғазнавийлар давлатининг ташкил топиши, унинг ички ва ташқи сиёсати. Салжукийлар давлатининг юксалиши. Хоразмшоҳлар давлатининг юксалиши. Хоразмшоҳлар давлатининг бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.

IX-XII асрларда моддий ва маънавий маданиятнинг юксалишини таъминлаган шарт-шароитлар. IX-XII асрларда илм-фан равнаки. Ал Хоразмий, Ал Фаргоний, Фаробий, Наршахий, Ибн Сино, Беруний, Рудакий ва бошқа буюк аждодларимиз ижоди. Ислом динининг давлат таянчига айланиши. IX-XII асрларда туркий ва форсий адабиёт. IX-XII асрларда моддий маданият. IX-XII асрларда Ўрта Осиё тарихида тасаввуф таълимоти ва унинг ўрни.

Мугуллар ҳужуми арафасида хоразмшоҳлар давлатидаги вазият. Чингизхон (Темучин)нинг муғулларни бирлаштириб кучли давлат тузиши. Чингизхон ва Муҳхаммад Хоразмшоҳ ўртасидаги элчилик муносабатлари. Утруп фожияси ва мугулларнинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари. Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди жасорати. Мугулларнинг Бухоро ва Самарқандни босиб олиши. Урганч камали. Хоразмшоҳ кўшинларининг мағлубияти, унинг сабаблари. Муғуллар истилосининг даҳшатли оқибатлари. Чигатой улусининг ташкил топиши ва ундаги бошқарув тартиби. Маҳмуд Таробий кузголони, унинг тарихий аҳамияти. Кебекхоннинг маъмурий ва пул ислохотлари.

Чигатой улусининг парокандаликка учраши. Чигатой улусида маданий ҳаёт, XIV аср ўрталарида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият.

Амир Темурнинг сиёсий кураш майдонига кириб келиши. Амир Темур ҳокимиятининг урнатилиши. Самарқанд - Темур давлатининг пойтахти. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари. Кўшиннинг тузилиши, Амир Темур - буюк давлат арбоби, машҳур саркарда. «Темур тузуклари» ва унинг аҳамияти. Амир Темур даврида салтанатни бошқариш тизими. Амир Темур вафотидан кейин империянинг парчаланиши. Темурийлар даврида хўжалик ва маданий ҳаёт. Мовароуннахрда Улуғбек ҳукмронлиги. Бу даврда Буюк ипак йўлининг аҳамиятининг ошиб

бориши. Солиқ сиёсати, товар – пул муносабатлари. Улуғбек академияси, XV асрнинг иккинчи ярмида темурийлар ўртасидаги ички курашларнинг авж олиши. Алишер Навоийнинг сиёсий ва адабий фаолияти. Темурийлар ҳокимиятининг инқирозга юз тутиши, унинг сабаблари. Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга юришлари ва шайбонийлар сулоласи ҳокимиятининг урнатилиши. Бобур буюк давлат арбоби ва унинг олим сифатида жаҳон тарихидаги тўтган ўрни. «Бобурнома» асари.

Шайбонийлар давлатида бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт. Бухоро хони Абдуллахон II нинг мамлакатни бирлаштириш ва марказлашган кучли ҳокимиятни тиклаш учун олиб борган урушлари, унинг пул ислоҳотлари, ер – сув муносабатлари, сувни тежаш тўғрисидаги қонунлари. Бухоро хонлигининг ташкил топиши. Бухоро хонлиги - Аштархонийлар сулоласи даврида. Мангитлар даврида Бухоро амирлигининг ижтимоий ва давлат тузуми, ер – сув муносабатлари, солиқ сиёсати, шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари. Маданий ҳаёт. Хива хонлигининг ташкил топиши ва ундаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт. Хива хонлигининг Россия билан алоқалари. Қўқон хонлигининг ташкил топиши. Қўқон хонлигининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Ўзбек хонлиқларининг илғор Европа мамлакатларидан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва техника жиҳатидан орқада қолиши, унинг сабаблари. Ўзбек хонлиқларидаги сиёсий парокандалик, ўзаро низо ва бесамар урушлар.

XIX аср ўрталарида ўзбек хонлиқларининг ижтимоий сиёсий аҳволи ва ўзаро муносабатлари. Ўрта Осиё масаласида Англия билан Россия ўртасида рақобат. Чоризмнинг Марказий Осиёни босиб олиш учун ҳарбий юришлари. Кауфманнинг Бухорога юриши Самарқанднинг забт этилиши. Кауфманнинг Хива хонлигига босқинчилик юриши. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг Россия васалларига айлантирилиши. Чор Россияси томонидан Қўқон хонлигининг босиб олиниши ва тугатилиши. Чоризмнинг улкамиздаги мустамлакачилик сиёсати. Мустамлакачилик бошқарув тизимининг урнатилиши. Чоризмнинг Туркистонда иқтисодий ҳукмронликни урнатиш тадбирлари, темирўллар қурилиши ва ундан кўзланган мақсад. Чоризмнинг Туркистонда мустамлакачиликни кучайтиришига қаратилган маданий ва маърифий сиёсати. Туркистон халқларининг чоризмнинг мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракатининг бошланиши, унинг босқичлари.

XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти. Туркистонда жадиждлар ҳаракатининг юзага келиши, унинг босқичлари, атоқли раҳбарлари, М. Бехбудий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат ва уларнинг ғоялари, жадижд мактабларининг очилиши, рус – тузем мактаблари, хайрия жамғармалари, театрлар, “Падаркуш” драмаси. Биринчи жаҳон урушининг улка ҳаётига салбий таъсири. 1916 йилги халқ кўзғолони ва унинг хусусияти. Россияда 1917 йил феврал буржуа - демократик инқилоби, унинг улкамизга таъсири. «Шурай Исломия», «Шурай Уламо» ташкилотларининг тузилиши ва уларнинг фаолияти. Туркистонда Ишчи ва Аскар депутатлари совети ва мусулмон меҳнаткашлари шуросининг тузилиши. Туркистонда советлар ҳокимиятининг урнатилиши. Ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи. Туркистон мухториятининг ташкил этилиши. Советлар ҳокимиятининг иқтисодий тадбирлари ва унинг оқибатлари.

Фарғона водийсида қаршилиқ курсатиш ҳаракатининг бошланиши, унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари. Туркистон АССРнинг тузилиши. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати.

1917-1920 йилларда Хива хонлигида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазият. Хива хонлигининг агдарилиши. Хоразм халқ Совет республикасининг тузилиши. 1917-1920 йилларда Бухоро амирлиги да ижтимоий-иқтисодий сиёсий аҳвол. Кизил армиянинг Бухорога ҳужуми. «Бухоро Халқ Совет республикаси»нинг ташкил топиши. Бухоро ва Хивада Советлар истибдодига қарши қуролли ҳаракат. XX асрнинг 20- йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши. Ўҳорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг ташкил топиши. Ўзбекистонда саноатлаштириши сиёсати. Пахта мустақиллигига эришиш учун кураш ва унинг оқибатлари. қишлоқ ҳужалигини жамоалаштириш сиёсати ва унинг оғир оқибатлари. Қулоқлаштириш сиёсати ва унинг мудҳиш натижалари.

XX асрнинг 50-60 йилларида сув иншоотларининг қурилиши ва бунда ўзбек халқининг меҳнат жасорати. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини бошқариш соҳасидаги ҳатолар.

XX асрнинг 50-70 йилларида утказилган иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг самарасизлиги. XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги тангликлар ва нуқсонлар. Пахта яқка ҳокимлигининг оқибатлари экологик ҳолатнинг бузилиши. Орол фожеаси. XX асрнинг 50-80 йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт. Маданий инқилоб тушунчаси, унинг моҳияти. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда маданий ҳаёт. «Ҳужум» ҳаракати ва унинг моҳияти. XX асрнинг 40-80 йилларда республиканинг маданий ҳаёти. Иккинчи жаҳон урушидан сунг Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. СССРда маъмурий-бўйруқбозлик, тоталитар тузумининг қарор топиши. Сиёсий катагон, унинг босқичлари ва оғир оқибатлари. Мустабид совет тузуми томонидан ўзбек зиёлиларининг қувгин этилиши. Сталин вафотидан кейин шахсга сизиниш оқибатларини тугатиш соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилган тадбирлар, унинг барбод бўлиши.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши. Ўзбекистон моддий ва маънавий кучларининг фашизмга қарши урушга сафарбар этилиши. СССРнинг ғарбий вилоятларидан саноат қорхоналари, ўқув ва илм масканлари, маданият муассасаларини, қочоқларнинг қучириб келтирилиши. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ ҳўжалиги. Уруш йилларида Ўзбекистон фан ва маданияти. Ўзбекистонлик жангчиларнинг фронтда курсатган жасоратлари. Уруш йилларида қрим- татарлар, месхити турклар, чеченлар, қорачойлар ва бошқа халъларнинг ўз ватанидан бадарга қилиниши. Фашизмни тор-мор этишда Ўзбекистоннинг муносиб ўрни. Ўзбекистонда Хотира ва Қадрлаш куни, унинг моҳияти ва аҳамияти.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида СССРнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида инқирозли вазиятнинг янада кескинлашуви, мамлакат иқтисодиётининг экстенсив ривожланиши, сув иншоотларининг қурилиши, пахта майдонларининг кўпайиши, пахта яқкаҳокимлигининг қарор топиши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, Орол фожеаси. «Қайта қуриш» концепциясининг

чекланганлиги, қийинчиликлари ва зиддиятлари. «Қайта қуриш» йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаёт. «Қайта қуриш» йилларида иқтисодий ислоҳ қилинишининг муваффақиятсизликка учраши, унинг сабаблари. Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг таъсис этилиши. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунни қабул қилиниши. 1991 йил август воқеалари, СССРнинг таназзулга юз тутиши. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Умумхалқ сайловида И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ислоҳотлар.

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг шаклланиши. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Парламенти. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаклланиши. Икки палатали парламент тузиш тўғрисидаги Ўзбекистон референдуми. Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотлари. Ўзбекистонда Вазирлар маҳкамасининг ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим бўғини сифатидаги ўрни. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши. Ўзбекистонда узини-узи бошқарув органларининг ташкил этилиши. Ўзбекистонда демократик жамиятга ҳос сайлов тизимининг барпо этилиши. Ўзбекистонда куппартиявийликнинг қарор топиши. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари. Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларини шакллантириш йўли «ўзбек модели». Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг стратегияси, устувор йўналишлари, босқичлари. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш механизмнинг яратилиши, Ўзбекистонда куп укладли иқтисодийнинг барпо этилиши. Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг шаклланиши. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда қончиликни ривожланиши. Ўзбекистоннинг замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига қўшилиши. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хужалигининг ўрни ва имкониятлари.

Ўзбекистонда миллий валюта - сумнинг муомилага киритилиши. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг таъминланиши ва тараққиёт курсаткиларининг аҳамияти. Бозор иқтисодиётига утиш даврида Ўзбекистоннинг қучли ижтимоий сиёсати. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавий ҳаёт. Ўзбекистонда диний кадрлар ва ислом маънавиятининг тикланиши. Ўзбекистон Республикасида давлат ва диннинг ўзаро муносабати, унинг асосий тамойиллари. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси, унинг аҳоли онига сингдириш зарурати. Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг қабул қилиниши. Ўзбекистон Республикасида фаннинг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши. Самарқанд: кеча, бугун, эртага. Ўзбекистон Республикасида аҳоли соғлиғини сақлаш тизими.

XXI аср бусоғасида дунё. Халқаро вазият ва қучлар нисбатининг тубдан ўзгариши. Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий имкониятлари. Ўзбекистонда тинчликсевар мустақил ташки сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши, унинг тамойиллари. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши. Ўзбекистоннинг МДҲ билан кўп томонлама ва икки томонлама алоқалари. 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фарованлиги йили». Халқаро терроризмга қарши кураш да

Ўзбекистоннинг тўтган ўрни. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотида тўтган ўрни. Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти». Ўзбекистонда қўшма корхоналарнинг ташкил топиши ва уларнинг фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конунчилик палатаси ва унинг вазифалари. Жаҳон цивилизацияси тарихида Самарқанднинг тўтган ўрни. Ўзбекистон Республикасида икки палатали Парламент тизимнинг шаклланиши ва унинг аҳамияти. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини юксак эътирофи. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва конунчилик палатасининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида Президент И.А.Каримовнинг сузлаган нутқи. «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир».

И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли китобининг мазмун-моҳияти. Асарда Ўзбекистонда мустақилликка эришиш остонасида сиёсий вазият, қишлоқ хўжалигидаги аҳвол, “пахта иши” нинг тўқиб чиқарилиши, пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатлари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги тадбирлар ва уларнинг моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи ва унинг мазмун-моҳияти.

Президетимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштирилиши. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”. Президетимиз Ш.Мирзиёевнинг БМТ нинг 72-сессиясидаги маърузаси. Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган муҳим ислоҳотлар ва ўзгаришлар.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихи

Қадимги давлатларнинг ривожланиш босқичлари, ижтимоий иқтисодий муносабатлар, бошқарув тизимидаги функциялар; иқтисодий функциялар; ижтимоий функциялар; ҳарбий-сиёсий функциялар; ҳудудий функциялар ва уларнинг фаолиятлари.

Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ривож топган илк давлар-подшоликлар, Ахмонийларнинг чекланмаган подишо ҳокимияти (мутлоқ монархия) Сатрапликларда бошқарув тизими; Александр Македонскийнинг бошқарув фаолияти; юнон-бактрия давлат бошқарув тартиби ва давлат тузими; Кушон давлати (подшолигида) хўжалик бошқаруви; Қанғ давлати ҳудуди ва тизими;

Эфталийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий тузум; Турк хоқонлиги ва унинг маъмурий тузилиши, ижтимоий иқтисодий тузumi ва давлат бошқарув тартиблари (Хоқон) эл, улус маҳаллий бошқаруви; туман ҳокимликлари, қишлоқ ва шаҳар жамоалари.

Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этиши ва уларнинг Мовароуннаҳрдаги бошқаруви; ижтимоий сиёсий жараёнлар. Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши ва етакчи мавқега эга бўлиши; маҳаллий бошқарув тартиби. Самонийлар давлати;

ижтимоий-сиёсий жараёнлар; давлат бошқарув тартиби; ҳуқуқий муносабатлар. Қороҳонийлар давлати; маъмурий тузилиши, худуди; давлат бошқаруви тартиблари; ижтимоий – сиёсий тузими (Хоқон-Қороҳон); ҳуқуқ-тартиботи.

Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг ташкил топиши, маъмурий тузилиши бошқарув тартиблари; ижтимоий иқтисодий ҳаёти.

Чигатой улуси;-маъмурий тузулиши ва бошқарув тартиблари; ҳарбий-сиёсий ва давлат бошқарувининг қарор топиши, ижтимоий – иқтисодий ҳаёти.

Амир Темурнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши ва марказлашган давлат асосларининг яратилиши. Амир Темур зукко, тажрибали ва сиёсатдон, буюк давлат арбоби. Давлат бошқарувидаги ислохотлар. Амир Темурнинг эл юртни ўз тасарруфи ва итоатида тутиш учун тузган ўн икки «тузуг»и: давлат бошқарувида даргоҳ ва девонлар. Даргоҳ энг олий давлат идораси. Девондаги Вазирлар (биринчиси Вазири аъзам; иккинчиси-ҳарбий вазир; учинчи –турли сабабларга кўра назоратсиз қолган мол-мулклар, сайёҳлар ва зиёратчилар ишлари бўйича мутасадди; тўртинчи-молия вазири; бешинчиси-адлия вазири; олтинчиси-назоратчи, девони мушрифга раҳбарлик қилган; еттинчиси-девони иншо) фаолияти. Маъмурий ҳудудий бошқарув. Давлатни улусларга бўлиб бошқариш. Саройдаги мансаб ва унвонлар. Диний ва қозихона унвонлари. Ҳарбий мансаблар. Амир Темурнинг ҳарбий ислоҳоти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти.

Бухоро хонлиги: марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари. Шайбонийлар давлатининг маъмурий тузилиши. Абдуллахон II нинг сиёсат майдонига чиқиши. Бухоро хонлигининг вилоят (улус)лари. Бухоро шаҳри ва унга тегишли туманлар бошқаруви. Тобе ҳудудлар. Хонликнинг чегаралари. Ҳарбий соҳа. Суд ишлари ва шариат қонунлари. Қозилик идоралари. Жиноят ва жазо турлари. Аштархонийлар давлат тизими, бошқарув тартиблари. Хон-расман олий ҳокимият бошлиғи. Сарой амалдорларининг амалда марказий бошқарувда тутган ўрни. Марказий бошқарувнинг заифлиги. Балх шаҳрининг марказ сифатидаги аҳамияти. Оталикнинг мавқеи. Вилоят ҳокимларининг бошқарув тизими. Ҳарбий ва маъмурий амалдорларининг ҳуқуқлари. Дин пешволари ва Жўйбор хожаларининг мавқеи. Манғитлар сулоласи хумқронлиги даврида давлат бошқаруви ва маъмурий тизим. Амир – энг олий ҳукмдор. Давлат бошқарувида кушбеги мансабининг аҳамияти. Сарой унвонлари ва мансаблари: ҳарбий амалдорлар, сарой амалдорлари, диний унвон ва мансаблар. Унвонлар ва даражалар.

Хива хонлиги: худуди, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари. Сарой амалдорлари, марказий ва маҳаллий бошқарувдаги ижтимоий табақалар, ҳарбий маъмурий амалдорлар, Кенгаш, иноқ, шайхулислом, девонбеги, ясовулбоши диний унвон ва мансаблар.

Қўқон хонлиги: худуди, давлат тизими, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари. Сарой унвонлари ва мансаблари: олий даражали, ўрта даражали, паст даражали. Ҳарбий маъмурий мансаблар ва унвонлар.

Туркистон ўлкасида ҳарбий-маъмурий ҳокимият тизимининг юзага келиши. Туркистон ўлкаси ички бошқарувини ташкиллаштиришда имприяга хос маъмурий анъаналар, мутлоқ ҳарбий қўмондонлик ва подшо ғазнаси манфаатларидан келиб чиқиб ўтказилиши. Туркистон генерал-губернаторли-

гида хокимият тузумини ва унинг функциялари. Зарафшон округи ва Амударё бўлимлари фаолияти.

Мустамлака бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши. Россия империясининг кўчирувчилик сиёсати. Хокимият, полиция ва суд органлари, фаолият доирасининг кенгайиши. Россия империясининг Туркистондаги миллий сиёсатининг ўзига хос хусусияти.

1917- йил сиёсий жараёнларида Туркистон. Туркистон Мухторияти миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси. Советлар андозаси асосида ТАССР ташкил топиши. Болшевиклар тузумига қарши кураш. ХХСР ва БХСР ларнинг ташкил топиши.

Ўрта осийда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши мақсад ва мохияти. Ўзбекистон ССР нинг ташкил топиши.

Ўзбекистон ССР нинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши СССР да бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топиши ва мустахкамланиши шароитида содир бўлиши. Ўзбекистонда синфий мафкурага асосланган коммунистик партиянинг мутлоқ хукмронлигининг ўрнатилиши. Ўзбекистон ССР Конституциясининг қабул қилиниши.

1991 йил 31 август “ Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун” – ни қабул қилиниши ва 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиниши. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши. Конституциянинг қабул қилиниши.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мамлакатни модернизациялашда амалга оширилаётган жараёнлар мохияти. Миллий давлат тизимининг барпо қилиниши ва бошқарувда янги, самарали усулларнинг қарор топиши. Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилиги тараққиёти. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.

Шарқ алломаларининг илмий мероси

Мусо Хоразмийнинг дунё фанига катта ҳисса қўшиши. “Ал – китоб ал-мухтасар фи хисоб ал-жабр ва ал- муқобала” номли рисоласида “Алгебра” сўзига асос солиниши. Хоразмийнинг “Зижи” астрономиянинг ривожланишига туртки бўлиши. Боғдоддаги халифа ал-Маъмун саройида Хоразмий ижоди. Мусо ал-Хоразмий “Байт-ул Хикма”нинг илмий мудирини. Мусо Хоразмийнинг 20 дан ортиқ асар яратиши. Унинг алгебрик рисоласини XII асрда Испанияда лотин тилига ўтирилиши, Мусо ал-Хоразмийнинг энг йирик астрономик асари – “Зиж” дир. Ушбу асарнинг аҳамияти. Мусо ал-Хоразмийнинг хизматларини жаҳон афкор оммаси томонидан эътироф этилиши.

Абу Абдуллох Хоразмийнинг Сомонийлар подшоси Нух II нинг вазири Абул Хасан ал-Утбий хузурида котиб бўлиб ишлаши. “Мафотих ал-Улум ” (Илмлар қалитлари) асари Абу Абдуллох Хоразмийнинг шоҳ асари. Ушбу асарда “Араб илмлари” нинг тавсифи. Фикҳ. Калом. Грамматика.Тарих. Шеърят ва аруз. “Мафотих ал-Улум” асарида анъанавий бўлмаган, яъни “Араб бўлмаган”

илмларга тавсиф. Фалсафа. Мантиқ. Тибб. Арифметика. Хандаса. Илм ун-нужум. Муסיқа. Механика. Кимё. Абу Абдуллох ал-Хоразмий ва Ўрта Осиёда илмшунослик.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир алломадир.

Ал-Фарғонийнинг Марвда ижод қилиши. Ал-Фарғонийнинг Боғдоддаги фаолияти. Ал-Фарғонийнинг расадхонада кузатишлар олиб бориши. Ал-Фарғоний томонидан 861-йилда Нил дарёси сувининг сатхини ўлчовчи нилометрни ясаши.

Ал-Фарғонийнинг “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби” асари ва унинг XII асрдаёқ Европада латин тилига таржима қилиниши. “Алфраганус”номи билан унинг асарларини Европада чоп этилиши ва Университетларда асосий қўлланма сифатида ўқитилиши. Ал-Фарғоний ўрта асрларда табиий – илмий билимларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган аллома. 1998-йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан алломанинг 1200 йиллик таваллуд санасининг нишонланиши.

Аҳмад ал-Марвазий (тахминан 780-880 йй.) нинг Боғдод илмий мактабида тутган ўрни. “Хабаш ал-Ҳосиб (Хабаш ҳисобчи)” Аҳмад ал-Марвазийнинг “Зижи” ва унинг аҳамияти. Ал-Марвазий халифа ал-Маъмун даврида олиб борилган тажриба ва илмий тадқиқотларнинг фаол иштирокчиси. Ал-Марвазийнинг 20 га яқин асарлар яратиши ва унинг фан тарихидаги ўрни.

Ҳадис илмининг ривожига олтин давр. Ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган 6 та ишончли ҳадислар (Ас сиҳоҳ ас-ситта). “Ҳадис илмида Амир ал-Мўъминийн” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорийнинг илм излаб саёхат қилишлари. Имом Бухорийга сабоқ берган устозлар. Термизлик машхур муҳаддис Абу Исо ат-Термизий ал-Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош. Имом ал-Бухорийнинг Нишопурдаги фаолияти. Имом ал-Бухорийнинг Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий билан алоқасининг бузилиши.

Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал – Адаб ал-муфрад” асрлари. Имом ал-Бухорийнинг ҳадислар тўплами. Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган манба. 1998 – йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан буюк ҳадисшунос олимнинг 1225 йиллик таваллуд кунининг нишонланиши. Имом ал-Бухорий мақбарасининг қайта тикланиши тарихий воқеа.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг ҳадисшунос олим бўлиб етишишидаги омиллар. Унинг шарқ мамлакатларига сафари. Алломанинг устозлари. Буюк муҳаддис мактабидан етишиб чиққан шогирдлар. Ат-Термизийнинг “Ал-Жомиъ”, “Аш-Шамоил ан-Набавийа”, “Ал-илал фи-л-ҳадийс” каби асрлари ва уларнинг ислом оламидаги аҳамияти.

“Аш-Шамоил ан-Набавийа” асари пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, суврат ва сийратлари, одатлари ҳақидаги 408 ҳадисни ўз ичига олган муҳим манбадир.

Ат-Термизийнинг 1200 йиллик юбилейини 1990-йилда ўтказилиши.

Абу Наср ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон – Форобий жахон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машхур файласуф. “Муаллим ус-соний” Форобий ижодида Боғдод даври. Форобийнинг ўз илмини оширишдаги саъйи ҳаракатлари. Форобийнинг Дамашқдаги фаолияти. Форобийнинг ўрта аср даври

табиий – илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асарлар яратиши. Форобийнинг қадимги Юнон мутафаккирлари асарларига шарҳлар ёзиши. Унинг фалсафанинг умумий масалаларга бағишланган асарлари. Фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлари. Унинг ижтимоий-сиёсий, давлатни бошқаришга, ахлоқ, тарбияга оид асарлари. Форобийнинг табиий-илмий фанлар ҳақидаги қарашлари. “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” асарида 30 дан ортиқ фаннинг таърифи. Форобийнинг фалсафий таълимоти. Борлиқнинг келиб чиқиши ҳақида Форобий. Форобийнинг “Илм ва санъатнинг фазилатлари” асари. Форобийнинг “Ақл маънолари ҳақида” рисоласи. Форобий лирикасининг мусулмон шарқидаги матиққа оид фикрларининг ривожига таъсири.

Форобийнинг “Фозил шаҳар аҳолисининг маслағи” рисоласи. Фозил жамият ҳақидаги ўйлар. Форобийнинг “Муסיқа ҳақида катта китоб” асари, унинг ўрта асрда йирик муסיқашунос сифатида шухрат топишига сабаб бўлиши. Шарқдаги Форобий издошлари. Фанда Форобийшуносликнинг ривожланиши.

Абу Бақр ибн Али Исмоил Қафғол аш-Шоший (903 -976 йй) нинг дастлабки сабоқлари. Унинг Имом ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийларнинг илмий мероси орқали танишуви. Қафғол аш-Шошийнинг фикҳ билимларини атрофлича ўрганиши. Унинг Ҳижоз, Боғдод, Дамашқ каби шаҳарларга илм излаб бориши. Қафғол аш-Шошийнинг қонуншунос ва тарих бўйича устози Абу – Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Аш-Ашъарий Қафғол аш-Шошийнинг иккинчи устози. Ундан калом илмини ўрганиши. Қафғол аш-Шошийнинг “Одоб ал-Қози”, “Одоб ал-Баҳс” асарлари. Қафғол аш-Шошийнинг қонуншуносликга оид асарларининг ислом мамлакатларига кенг тарқалиши. Қафғол аш-Шошийнинг дипломатик номлари. Қафғол аш-Шошийнинг “Хазрати Имом” Дея улуғланиши

